

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Юсупжонова Феруза Курбановна

Фарғона давлат университетининг Гуманитар йўналишлараро чет тиллари  
кафедраси инглиз тили фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6717769>

**Аннотация.** Мақолада замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларни инглиз тилига ўргатишнинг йўллари ҳақида фикр юритилган. Асосий эътибор тинглаб тушуниш, уйда мутолаа қилиш каби аспектларга қаратилган.

**Таянч иборалар:** аспект, фантазия, интерактив, лингвистик қисм, психологик қисм, методик қисм.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРЕССИВНЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

**Аннотация.** В статье идет речь о методах использования современных педагогических технологий при обучении студентов английскому языку. Основное внимание уделяется таким аспектам, как домашнее чтение и аудирование.

**Ключевые слова:** аспект, фантазия, интерактив, лингвистическая часть, психологическая часть, методическая часть.

## IMPLEMENTATION OF PROGRESSIVE INNOVATION TECHNOLOGIES IN ENGLISH TEACHING

**Abstract.** The article refers to the methods of using modern methods of pedagogical resources in teaching English for students. It focuses on aspects such as home reading and listening.

**Keywords:** fantasy, issues, interactive, linguistic part, psychological part, methodical part.

## КИРИШ

Бугунги таълим муассасаларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини кўллаб, чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратилган.

Одатда, ўқитувчи хорижий тилни ўргатиш, ўқитиш усулини ўзи танлайди. Ўқитишнинг мазмуни деярли ўзгармайди, аммо уни талабаларга етказиш усули ўзгариши мумкин.

Ўқитишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Дарс жараёнида қуйидаги ўқитиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Масалан:

Маъруза.

Мисол келтириш.

Намойиш қилиш.

Баҳс-мунозара.

Савол-жавоблар.

Бу усуллар талабалар билан мулоқот қилиш, шунингдек, қўйилган мақсадга йўналтирилган фикрларни ёритиш усули ёки шаклидир. Ўқитувчи муайян вазият ёки дарс учун мос усулни танлай билиши керак. Ўқитишнинг мос ва самарали усулини танлаш учун бир қанча омилларни ҳисобга олиш зарур.

Талабаларнинг сони.

Муайян вазият.

Усулнинг қўйилган мақсадга мос келиши.

Агар бирор матн муҳокама қилинса, талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, жамоа йўли билан баҳс-мунозара ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу усулда техник восита – аудиоёзувлардан фойдаланиш мумкин. Усулларни қўллаганда вақтни доимо ҳисобга олиш зарур.

Ақлий ҳужум (Brain storming) усули. Ушбу усул талабаларнинг фаол иштироки ҳамда уларнинг билим савиялари даражасини намоён қилади. Бу талабаларни ғоялар ўйлаб топишга ундайди, эркин мулоқотда бўлиш имконини беради ва натижада анча фикрлар тўпланади. Ўқитувчи эса жараён мобайнида назоратчи ҳисобланади. Талабаларнинг ғоялари унчалик муваффақиятли бўлмаса-да, ўқитувчи уларни танқид қилиши мумкин эмас. Аксинча, талабаларнинг ижодий тафаккури рағбатлантириб борилиши зарур. Дарс тез берилган жавобларни рағбатлантириш, уларни тўлдириш, талабаларни баҳолаш билан яқунланади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Савол-жавоблар ва расмли ўйинлар (Discussion) усули дарсларни янада мазмунли ва қизиқарли ўтишга имкон беради. Талаба хато қилишдан қўрқмай, эркин ўз фикрини айта олиши керак. Бундай муҳит дарсда ҳосил қилиниши лозим. Ўйин орқали ўқитишнинг технологиясида талабанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Кутиладиган жавоблар ва эътирозларни ўйлаш.
2. Ўз билимига ишониш.

Ўйиннинг аҳамияти шундаки, ўқитувчида талабаларни улар эркин ҳолда фаолият кўрсатаётган пайтда кузатиш имконияти бўлади. Натижада талабаларнинг фаоллиги, фантазиялари, ижодий қобилиятлари, ишчанликлари, жамоада ўзини тутишлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Талабалар бир нечта гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифаларини аниқ билишлари керак. Ўйиннинг вақти чекланган бўлиши, у яқунлангач эса ўйин натижалари таҳлил қилиниши лозим. Ўйин орқали ўқитиш технологиялари ҳам ўқув- тарбиявий жараёнда талабаларнинг чуқур билим олишига кенг имкониятлар яратиб беради. Инглиз тилини ўргатишда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Инглиз тилини ўқитиш усулларида яна бири – замонавий интерактив усулидир. Усул мазмунига кўра, дарсда янги грамматик мавзу эълон қилиниб, ўқитувчи уни турли йўллар, яъни доскага ҳар хил чизмалар чизиш, ҳаракатлар билан кўрсатиш, аввалги ўтилган мавзу билан таққослаш билан тушунтириши, мустаҳкамловчи саволлар билан талабаларни фикрлашга жалб этиши лозим. Фонетик машғулотларда эса, асосан, аудиоматндаги қисқа суҳбатлар тингланиб, ушбу аудиоматндаги суҳбатга айнан мос

бўлган, сўзлари тушириб қолдирилган қоғоздаги матн тўлдирилади. Талабага берилган матн билан аудиоматндаги суҳбат бир хил бўлади. Матн ўта зийраклик билан тингланиб, янги ибораларни ёдда сақлаб қолгандагина, талаба шартни муваффақиятли бажариши мумкин. Бунда тинглаб тушуниш орқали оғзаки нутқ, кўникма ва малакалар шаклланиб боради. Тинглаб тушуниш ўқиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Тингловчи ўқиган сўзларини яхши эслаб қолади ва тинглаганида яхши тушунади. Тинглаб тушунишни ўргатишнинг мазмунини Г.В.Рогова уч қисмга бўлади:

1. Лингвистик қисм. Бунга тил ва нутқ материали киради.
2. Психологик қисм. Бу овозли нутқни тинглаш, тушуниш малака ва кўникмасини ҳосил қилишдир.
3. Методик қисм. Тингловчиларга тинглаш усулларини ўргатиш ҳамда тинглаб тушуниш технологияси орқали қонун-қоида, тамойиллар, методлар, воситалар орқали ўргатиш амалга оширилади.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўқитиш жараёнида тинглаб тушуниш устида ишлаганда, кундалик янгиликлар, тили ўрганилаётган мамлакат халқлари ҳаёти, маданияти, тарихи ҳақида матнларнинг бўлиши тингловчиларнинг қизиқишларини янада орттиради. Ўқитувчи тинглаб тушунишни ўргатаётганида, яъни тингловчи нотаниш мазмундаги нутқни тинглаганида қуйидагиларга эътибор бериши зарур:

1. Айрим сўзларни, гапларни, жумлаларни тушуниш (fragmenting comprehension).
2. Ҳамма далил-фикрларни тўлиқ тушуниш (comprehension in details).
3. Асосий далил-фикрларни юзаки тушуниш (overall comprehension).
4. Танқидий тушуниш (critical comprehension).

Ўқитувчи эшиттириш учун матн танлаганида, тингловчиларнинг ёши, билим даражаси, ўзлаштиришларини ҳисобга олиши зарур. Мисол учун, бирор нотаниш матн танланади. Матндаги нотаниш сўзлар, иборалар матн сарлавҳаси доскага ёзилади. Матн юзасидан савол-жавоблар ҳам ўтказилиши мумкин.

Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёни қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

Activity:

1. Before listening.

Матн сарлавҳаси ва саволлар доскага ёзилади.

At the party:

(Amy Smith and Mike Thompson)

1. Where did Mike meet Amy?
2. When was last time they met?
3. What was his job then?
4. What does he do?
5. What is he studying at the moment?

2. While listening.

Суҳбат (диалог) эшиттирилади. Тингловчилар доскага ёзилган саволларга матндан жавоб топадилар. Агар зарурият бўлса, матн яна 1–2 марта қайта эшиттирилиши мумкин.

Answers:

1. They met at the party.
2. It was two years ago.
3. He was a pizza delivery man then.
4. He is a steward.
5. He is studying to be a pilot.

After listening.

Тингловчилар саволларга жавоб берадилар. Улар тушунмаган сўз ва иборалар доскага ёзилади ва таржимаси тушунтирилади. Тингловчиларнинг жавоблари бир-бирлариники билан таққосланади. Тўғри жавоблар доскага ёзилиши мумкин.

### МУҲОКАМА

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, инглиз тилини ўқитиш давомида уйда ўқиш (home reading) машғулоти ҳам олиб борилади. Уйда ўқиш талабаларни турли хил мавзуларда чет тилида сўзлашиш жараёнига беихтиёр жалб қилиш учун қулай ва бой манба ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг сўз бойлиги ва фикрлаш қобилиятлари кенгаяди. Оригинал адабиётни ўқиш босқичма-босқич амалга оширилади. Масалан: “Jane Eyre” асари мисолида қуйидаги машқлар бажарилиши мумкин:

I. Нотаниш сўзлар устида ишлаш.

Тингловчилар учун нотаниш бўлган қуйидаги сўзлар ва иборалар доскага ёзилади ҳамда уларнинг талаффуз қилиниши тингловчиларга тушунтирилади:

Lovable – ёқимтой.

An orphan – етим.

To shake with fear (shook, shaken) – қўрқув билан кимирлатиш.

Without doubt – иккиланишсиз.

To earn one’s living – яшаш учун пул топмоқ.

II. Мавзу юзасидан савол-жавоблар:

1. Why was Jane living with the Reed family?
2. Where did Jane go?
3. How did Jane live in Lowood?
4. Whom did she meet there?
5. Why do you think Jane didn’t wish to be noticed by Mr. Rochester’s guest?

III. Предлог қўйиш машқлари:

1. There I found a book ... pictures.
2. The two girls never played ... me.
3. Then one day I looked ... my window.
4. One dark night a week latter, I arrived ... Lowood.

IV. Сўзларни жой-жойига қўйиб гаплар тузиш:

1. Explain, someday, I, shall, you, to.
2. Two, at, young, around, women, sat, table.
3. He, ask, did, to, marry, him, you.
4. Where, the, fire, Mr. Rochester, after, go, did.

Бундан ташқари, тингловчиларни уй ўқиши жараёнида иншо ёзишга ҳам ўргатиш мумкин. Улар иншо мавзулари билан танишгач, хоҳлаган мавзунини танлаб уйда иншо ёзишлари мумкин.

Масалан:

1. Сиз ёқтирган асар қаҳрамони.
2. Асардаги салбий ва ижобий образларга характеристика беринг.
3. Жейн Эйрнинг болалик даври.
4. Асарнинг асосий қаҳрамони ҳақида фикр- мулоҳазаларингиз ва ҳоказо.

Бунда лексик-грамматик қийинчиликлар вужудга келади. Талабаларни ўз фикрларини билдиришга ундаш, матн мавзусини ёритишга қисман ўқитувчининг ўзи ҳам ёрдам бериб туриши керак.

Кейинги услуб кичик грамматик тестларни топшириш бўлиб, у икки гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади. Биринчи гуруҳ вакили бирор (уйга вазифа қилиб берилган) сўзни ўзбек тилида айтади. Иккинчи гуруҳ вакили доскага чиқиб, дастлаб сўзнинг инглизча таржимасини айтади, кейин сўзни ҳарф ва транскрипциядаги шаклини ёзиб кўрсатади. Бу жараён шу тариқа давом этади. Дарс ниҳоясида доскада беҳато ёза олган талабалар рағбатлантирилади. Шунини айтиш жоизки, ўқитувчи дарс давомида вақтни тўғри тақсимлай олиши; дарс бошида ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаши; ҳар бир дарсда янги усулларни қўллаши; ҳар бир дарс учун мос тарқатма материаллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

#### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш, ёзув, ўқиш кўникмаларини ўстиришга ва эркин мулоқот қилишларига амалий ёрдам беради.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Ҳошимов Ў., Ёқубов И.. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: “Шарқ”, 2003.
2. Charlotte Bronte. Jane Eyre. London, 1992. –P. 93-95.
3. Рогова Г.В., Верещагина И.Н.. Методика обучения английскому языку на начальном этапе средней школы. – М., 1988.
4. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
5. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
6. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
7. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).

8. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
9. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
10. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
11. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
12. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
13. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83